

Қарздор қарзини бермаса, қандай йўл тутилади?



17:46 / 16.07.2017 15309

“Танишим қарз олган эди. Мана уч йил бўлди. Бир ойда бир мартаба қўнғироқ қиламан. “Қайтараман”, дейди. Ваъда беради, ўзини олиб қочмайди. Ночор инсон эмас: оиласи, уй-жойи, иши, яхши машинаси бор. Мендан яхши яшайди. Оғирроқ бўлишга ҳаракат қиляпман, аммо сабрим тугаяпти. Куч ишлатай десам, қонунга тўғри келмайди. Нима қилсам экан?”

Дин нуқтаи назаридан:

Ҳозирги замонда айрим инсонлар олинган қарзни бутунлай ёки қисман қайтармасликнинг масъулиятини сезишмайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад **соллаллоҳу алайҳи васалламнинг** муборак ҳадисларни ўқиган киши қарзни қайтариш қанчалик муҳим иш эканини тушуниб етар.

“Кимки қарз олиб уни қайтариш ҳақида ўйламаса, Аллоҳ хузурига ўғри бўлиб боради” (Ибн Можа ривояти).

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўзлари қарз олишда ниҳоятда эҳтиёт бўлганлар, қарз олишларига тўғри келиб қолганда ҳам ўрнига бирон бир нарсани гаровга қўйиб, кейин олар эдилар. Бу ҳақида Имом Бухорий

келтирган ҳадисда айтилган: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир яҳудийдан қарзга озиқ-овқат олдилар ва эвазига темир зирхларини қолдирганлар”** (*“Фатҳул Борий” 5/53*). Яна бир ҳадисда: **“Шаҳидларнинг қарзларидан бошқа барча гуноҳлари кечирилади”** (*“Саҳиҳул Муслим”, 3498-ҳадис*).

Эътибор беринг, ҳатто шаҳидларнинг ҳам қарзи кечирилмас экан. Албатта, қарз расмийлаштирилган бўлса, муаммо ҳам бўлмайди, суд орқали уни қайтариб олиш мумкин. Исломи динида қарзни гуноҳлар билан расмийлаштириш маъқулланади. Дин тарқалишининг илк босқичларида бу мажбурий эди. Кейинчалик шундай муаммолар юзага келмаслиги учун қарзни расмийлаштиринг, яхшиси, гаровга бирон бир нарса қолдиришни талаб қилинг. Гаровга нарса қолдириш ҳам шариатимизда рухсат этилган. Қарз расмийлаштирилмаган ҳолда қарздорнинг виждонига умид қилишдан ўзга чора йўқ. Қарздорга ота-онаси ёки яқинлари орқали таъсир ўтказиб кўриш ҳам мумкин. Фарзандларига, яқинларига тушунтиришларини илтимос қилинг. Шариатда қарздор имкони бўла туриб қарзни қайтармаса, шу қарз қийматига тенг бирон бир мулкани мусодара қилишга рухсат берилган. Аммо қарздор имкони йўқлигидан қарзини беролмаётган бўлса, мол-мулкани мусодара қилиш мумкин эмас. Барчаси қонундан четлашмаган ҳолда бажарилиши лозим. Ҳуқуқингиздан фойдаланишингиз мумкин, албатта, натижаси ёмон ҳолатлар юзага келмайдиган бўлса. Мисол учун ўғрилиқда айблов каби.

Психология нуқтаи назаридан:

Сиз дуч келган муаммо билан янглишмасам, ҳар ўнинчи инсон тўқнашади. Гап шундаки, кўпчилик қарздор инсон қарзини маълум бир сабабларга кўра қайтармаслигидан ноқулай аҳволга тушиб қоладилар. Қизиғи шундаки, аслида қарздор инсон ноқулайлик сезиши керак. Ажабланарлики, қарздор инсон ўзини шундай тутадики, ноқулайликни у эмас, қарз берувчи шахс сеза бошлайди. Сабаби, бу ерда қарз берувчининг руҳиятига масъулият ва айбдорлик ҳиссини шакллантириш орқали таъсир ўтказилади. Бундай ҳолатларда қарздорлар ўзларини худди қарз берувчи уларни тинч қўймай, пулини талаб қилаётгандек тутадилар. Натижада қарз берувчи пулини олишидан умид қилмай ёки бу пуллар муносабатларини бузишига арзимади, деб ҳисоблаб, аста-секин қарздорни тинч қўяди.